# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • www.xs.uz • E-mail: info@xs.uz • 2018 йил 19 июнь, № 123 (7081) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.




# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Тошкент шаҳрида 2018 йил 27 март куни бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференция давомида эришилган келишувларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ушбу мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган саъй-ҳаракатларни давом эттирмоқда.

Ўзбекистон ўтган давр мобайнида Афғонистон ҳукумати, АҚШ, ХХР, Россия, Халқаро мулоқот гуруҳига аъзо мамлакатлар, Евросиё минтақаси, Жанубий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ давлатлари вакиллари билан бу борада қатор маслаҳатлашув учрашувлари ва музокаралар ўтказди.

Таъкидлаш жоизки, Афғонистон бўйича форум доирасида бир овоздан қабул қилинган, минтақавий ва глобал миқёсда тинчликка эришиш, терроризмга ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш, шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган биргаликдаги саъй-ҳаракатларни назарда тутувчи Тошкент декларацияси ушбу йўналишдаги ишларни амалга ошириш учун муҳим сиёсий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Тошкент конференцияси иштирокчиларининг умумий позициясини рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон тегишли алоқалар ўрнатиб, Толибон ҳаракатининг юқори мартабали вакиллари билан амалий учрашувлар ўтказди. Учрашувларда Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик-барқарорлик ўрнатиш ва мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган мулоқот ва ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Афғонистон ҳукумати ва Толибон ҳаракатининг Рамазон ҳайити нишонланиши муносабати билан ўзаро ўт очишни тўхтатиш тартибини жорий этганини олқишлайди. Ўзбекистон ушбу ярашув Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг ўт очишни тўхтатиш тартибини узайтириш тўғрисидаги қарорига амал қилган ҳолда муддатсиз тус олишига умид қилади.

Қарор топаётган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ташаббусига асосланиб, Ташқи ишлар вазирлиги тинчлик жараёнининг барча босқичларида Ўзбекистон ҳудудида Афғонистон ҳукумати ва Толибон ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар ташкил этиш учун зарур шароитлар яратишга ҳар томонлама тайёр эканини тасдиқлайди.

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 18 июнь*

# КАСБИЙ МАҲОРАТ ВА БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг илк битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.





Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Мардлар қўриқлайди Ватанни!

*Мамлакатимизда тинч ва фаровон ҳаётни муҳофаза этиш, жиноятчилик ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъулиятини ошириш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш жараёнига илғор механизмлар жорий этиляпти.*

*Янгиланган Мудофаа доктринасининг қабул қилиниши шу жиҳатдан улкан сиёсий-ҳуқуқий аҳамият касб этди. Унда ҳарбий соҳада Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига доир принциплар ва ёндашувлар, тенг ҳуқуқлилик ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча низоли масалаларни тинч ва музокаралар йўли билан ҳал қилиш, давлатлараро шаклланган чегараларнинг бузилмаслиги ва ўзгармаслигини таъминлаш каби муҳим вазифалар мустаҳкамлаб қўйилган.*

(Давоми 3-бетда).

# Икки дунё саодатини ўйлаб яшаган инсон, халқ ҳеч қачон кам бўлмайди

*Президентимиз ғояси асосида мамлакатимизда муқаддас динимизни, ислом тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, табаррук қадамжоларни обод қилиш борасидаги ишлар кўлами кундан-кун тобора кенг миқёс касб этиб боряпти. Шу пайтга қадар Имом Термизий ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Мир Араб олий мадрасаси, Халқаро ислом академияси каби илмий-маърифий масканлар ташкил қилинди. Булар, ўз навбатида, нафақат халқимиз, балки халқаро жамоатчиликнинг ҳам юксак эътирофини қозонди.*

*Давлатимиз раҳбари 15 июнь куни Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази қурилишига тамал тошини қўяр экан, уни бунёд этишдан мақсад ислом маърифатини, буюк аждодларимизнинг бой меросини, авваламбор, халқимизга, дунё ҳамжамиятига етказиш эканлигини, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлигини, ҳамма саъй-ҳаракатлар ёшлар таълим-тарбиясига, илм-фанга, маданиятга, тинчлик-осойишталикка замин яратишини алоҳида таъкидлаб ўтди.*

## МУНОСАБАТ

**Шайх Абдулазиз МАНСУР, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари:**

— Бу эзгу ташаббус ҳар биримизга чексиз ифтихор бағишлаши баробарида, буюк аждодларимиз яратган бебаҳо асарларни чуқур ўрганиш, умуминсоний ҳаётбахш ғояларни бутун дунёга тараннум қилишимизда улкан масъулият юклайди.

Ўзбекистон замини ислом дини ва илм-фан тарихида номлари ҳурмат билан зикр этиладиган аллома ҳамда уламолар юртидир. Лекин шуни афсус билан таъкидлаш керакки, аждодларимиз меросини ўрганиш, келажак авлодларга етказиш масаласида оқсаб қолгандик. Бугун бу борадаги вазифаларга тамомила янгича ёндашилмоқда. Айтиш жоизки, амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз барча мусулмон мамлакатлари томонидан тан олиняпти, қўллаб-қувватланяпти. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси маркази ҳам ана шу йўналишдаги хайрли ишларнинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида фаолият юритадиган ушбу марказнинг устувор вазифалари аждодларимизнинг ислом дини тараққиётидаги умрбоқий ҳиссасини муфассал очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

## Қарор ва ижро

# Металл прокати ишлаб чиқаришда рекорд натижа

***436** минг тонна металл прокати.*

*Бу — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти томонидан жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида ўрнатилган янги натижа. Ушбу кўрсаткичга сўнгги 20 — 25 йил ичида илк бор эришилгани унинг аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.*

(Давоми 2-бетда).

## Эксклюзив интервью

Саша ГРАУМАНН:

# «ЮНИСЕФ Ўзбекистон билан бола ҳуқуқларини кафолатлаш йўлида яқиндан ҳамкорлик қилиш тарафдори»



*Болалар ривожланиши учун қулай ва энг муҳими, хавфсиз муҳит керак. Зеро, бугун дунёда миллионлаб мурғак қалб эгалари шафқатсиз муносабатлардан азият чекиб келаётир. Ушбу муаммога қандай ечим топиш мумкин? Ўзбекистонда бу борада қандай қадамлар ташланмоқда? БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саша ГРАУМАНН билан шулар ҳақида суҳбатлашдик.*

— Дунёдаги болалар ҳар куни ўқув муассасаларида зўравонлик қурбони бўлаётгани ташвишли ҳолдир. Бундай хатар нафақат мактабда, балки интернат муассасалари, озодликдан маҳрум этиш жойлари, тенгдошлари ичида, энг қайғулиси, ўз оилаларида ҳам мавжуд. Бу борада баъзи фактларни келтириш ўринлидир. Ўтган йили зўравонлик бўйича Глобал маърузада жаҳондаги ҳар тўрт боланинг уч нафари — 1,4 миллиарддан 1,3 миллиарди — зўравонликнинг у ёки бу шаклини бошидан ўтказгани қайд этилди. Бу мамлакат ёки ҳудуднинг ривожланганлик даражасига боғлиқ эмас.

Ана шу жабрдийда ўғил ва қиз болаларнинг кўпчилиги уйида калтак еган ёки мактабда тенгдошлари босимига дучор бўлган. Экстремал вазиятларда бу ҳатто болалар ўлимига ҳам олиб келган.

ЮНИСЕФнинг 2015 йилги тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, жаҳонда ҳар беш дақиқада бир нафар мурғак қалб эгаси зўравонлик оқибатида ҳаётдан кўз юмади. Мутахассисларнинг баҳолашича, 120 миллион бола жинсий зўравонлик қурбони бўлган. Қарийб бир миллиард бола, айниқса, интернат муассасаларида мунтазам жисмоний жазо олиб келади.

Кўпчилик одамлар бундан кўз юмади. Айни чоғда болалар кўпинча ўзи ишонган ёши катталарга буни айтиш, хавфдан ўзини асраш имкониятига эга бўлмайди. Шунинг учун кўпинча бундай ҳолатлар рўйхатдан ўтмасдан, ҳал этилмасдан қолиб кетади.

***— Мазкур муаммони ечиш учун нималар қилинмоқда?***

— Афсуски, болаларга зўравонлик қилиш ҳолатлари Ўзбекистонда ҳам учради. Гап Марғилон шаҳридаги Меҳрибонлик уйи, Тошкент тиббиёт коллежи ва бошқалар ҳақида кетяпти. Улар жамиятда катта акс садо берди. Ҳукумат бу борада мақбул чора-тадбирларни кўргани кишини қувонтиради.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТНИНГ ҚУТЛУҒ ОСТОНАСИ

Пойтахтимиздаги Ислом Каримов номидаги халқаро аэропортда янги учиб келиш терминали фойдаланишга топширилди.

## БУНЁДКОРЛИК

*Ўтган йили "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси томонидан "Тошкент" аэропортининг маҳаллий йўналишлари аэровокзали эски биносини халқаро авиақатновлар учун реконструкция қилишга киришилган эди. Шундан сўнг Ислом Каримов номидаги халқаро аэропортда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Натижада соатига 1200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга янги учиб келиш терминали фойдаланишга топширилди.*

(Давоми 3-бетда).



Саша ГРАУМАНН:

# «ЮНИСЕФ Ўзбекистон билан бола ҳуқуқларини кафолатлаш йўлида яқиндан ҳамкорлик қилиш тарафдори»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2013 йилда БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси Ўзбекистонда болаларга нисбатан зўравонлик бўйича ҳисобот тизимини яратиш, мазкур масалада мутахассислар салоҳиятини ошириш лозимлигини қайд этганди. ЮНИСЕФ БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишда ҳукуматни қўллаб-қувватлади.

Кези келганда муаммолардан бири болаларга нисбатан, жумладан, оилада, мактабда ва одил судлов тизимида зўравонлик ҳолатлари бўйича маълумотларни олиш имконияти йўқлиги эканлигини айтиш керак. Зўравонликка дучор бўлаётган болаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг тизимли механизми ҳам мавжуд эмас.

ЮНИСЕФ яқин орада кўп индикаторли кластер тадқиқотини ўтказишда Ўзбекистон Ҳукуматига кўмак беради. Ана шу тадқиқот доирасида зўравонлик, шафқатсиз муносабатда бўлиш ва камситиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида маълумотларни йиғиш ҳам режалаштирилган. Бу қарор қабул қиладиган ходимларга болаларни самарали ҳимоялашда ёрдам беради.

Ҳамкорлик жараёнида биз зўравонликнинг асосий сабаблари, уни ҳаракатлантирувчи омиллар бўйича жамиятда шаклланган тушунчаларни аниқлашга бор саъй-ҳаракатимизни қаратганмиз. Зеро, бу мазкур иллатнинг олдини олишга хизмат қилади. Мамнуният билан таъкидлашни истардимки, мамлакатингизда уй зўравонлигининг олдини олиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокама этиляпти. Оилаларда болалар ҳимояси кафолатларини мустаҳкамлаш баробарида, уларнинг мактаблардаги хавфсизлиги бўйича ҳам ишлашимиз даркор. Бутун дунёда айнан шу масканда болалар турли шакллардаги зўравонликларга дуч келади, бу уришиш, таъқибга учраш кабилардир. Бугун Ўзбекистонда "Таълим тўғрисида"ги Қонун қайта кўриб чиқилмоқда. Биз бу борада ўз тавсияларимизни бердик. Булардан бири — болалар учун янада хавфсиз мактаб муҳитини яратишдир.

Ўқув дастурига ўқувчилар ва ўқитувчиларга қалтис пайтларда зарур бўладиган, хусусан, можароларни бартараф қилиш бўйича ҳаётий кўникмаларни ўргатишни киритишни таклиф этяпмиз. Бу болалар ва ўқитувчиларга зиддиятларнинг олдини олиш, бошқариш ҳамда мониторингини олиб бориш имконини беради.

***— Сизнингча, болаларни самарали ҳимоя қилиш учун нималар қилиш зарур?***

— Зўравонлик ҳолатини аниқлаш, бартараф этиш ва муносабат билдириш бўйича керакли билим ҳамда кўникмаларга эга ижтимоий ишчилар муҳим роль ўйнаши жаҳон амалиётидан маълум. Йель университети тадқиқотларига кўра, Угандада 2011 йилдан 2014 йилгача ижтимоий хизматчилар ҳимояга муҳтож болаларнинг зўравонликка дучор бўлиш ҳолатларини 79 фоизгача қисқартиришга ҳисса қўшган. Хитойда болаларни эрта ёшдан ривожлантириш дастури ижроси узоқ туманларда зўравонликнинг 5 фоиз камайишига сабаб бўлган. Зотан, болаларнинг эрта ёшдаги ижобий тажрибаси келгусида зўравонлик қилишга бўлган тенденцияни камайтиради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар етарлича ривожланмаган ва асосан, интернат типидаги муассасаларда кўрсатилади. Шу боис ЮНИСЕФ ижтимоий ишчилар профессионал кўникмаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқув курсларини яратишда мамлакат Ҳукуматига кўмак бераётир. Бундай тайёргарликдан сўнг профессионаллар маҳаллий жамоатчилик билан ўзаро ишончли муносабат ўрната оладилар, вазиятни тўғри баҳолайдилар, жойларда болаларга нисбатан ёмон муносабатда бўлиш фактларини муҳокама қилишга туртки бериб, аниқ вазиятлар бўйича қарорлар қабул қиладилар.

Ўтган йили ЮНИСЕФ Ўзбекистон Ҳукуматига болалар ҳимояси тизимини баҳолашга ёрдам берди. Айтиш жоизки, мамлакатда бу борада етарли даражада самарали чора-тадбирлар кўрилган. Шу билан биргаликда вазифалар турли идоралар ўртасида тақсимланган. Биз мазкур функцияларни ягона орган доирасида бирлаштириш ва болаларни яхши ҳимоя қилиш учун тўғри стратегия ишлаб чиқишда қўл келадиган миллий ҳаракатлар режасини тайёрлашни таклиф этяпмиз. Қолаверса, ЮНИСЕФ Ҳукуматга мактабларда зўравонлик ҳолатлари бўйича аниқ тасаввурга эга бўлиш учун тегишли тадқиқотларни ўтказишни таклиф қилди.

Яқин орада ЮНИСЕФ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва "Ucell" компанияси билан ҳамкорликда ёшларнинг жамият ҳаётида кенг иштирок этишлари учун "U-Report" тизимини ишга туширади. У давлат ҳокимияти ва ёшлар ўртасидаги мулоқот ҳамда ўзаро алоқаларни енгиллаштиради, уларнинг интилишлари ва эҳтиёжларини яхшироқ тушуниш имконини беради. Фикр билдириш ва болалар ҳамда ёшлар билан муаммоларни муҳокама этиш, уларнинг ҳаётига таъсир ўтказадиган қарорлар қабул қилинишига ўз ҳиссаларини қўшишлари учун хавфсиз платформа яратилади.

***— Озодликни чеклаш муассасаларида болаларга ғайриинсоний ва қадр-қимматни камситувчи муносабатда бўлиш дунёдаги энг долзарб муаммолардан биридир. Уларнинг ҳимояси одил судлов тизимида қандай таъминланяпти?***

— ЮНИСЕФ Ўзбекистон Ҳукумати билан вояга етмаганларга нисбатан одил судлов тизимини янада мустаҳкамлаш борасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қамоқхонадан озод этилгандан сўнг уларнинг жамиятга интеграциялашуви ва такрорий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун болаларни қўллаб-қувватлаш диққат-эътиборда турибди. Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги болаларнинг эҳтиёжларини билиш ҳамда алоҳида олинган вазиятда уларнинг муаммоларини ҳал этиш йўлларини топиш учун ҳам ушбу муассасаларда ишлаяпмиз.

Қайд этиш керак, болалар қурбонга айланиши қаторида ўзлари ҳам зўравонлик қилишлари мумкин. Шундай экан, улар қўллаб-қувватлашга муҳтож: биринчи навбатда, руҳий (эмоционал) ва жисмоний ҳимоя, иккинчидан эса такрорий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.

Хабарингиз бор, яқинда ЮНИСЕФ кўмагида ИИВда болага дўстона муносабатда бўлиш хонаси очилди. У жабр кўрган ва жиноятга гувоҳ бўлган вояга етмаганлар тергов ҳамда суд жараёнида такрорий психологик жароҳат олмасликлари, уларга нисбатан қонунбузишларга йўл қўймаслик учун ташкил этилди. Айни пайтда бундай хоналар мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам яратилмоқда.

Бундан ташқари, 2017 йилда ЮНИСЕФ болаларга ғамхўрлик кўрсатиш бўйича 200 га яқин туман ҳокими ўринбосарлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва муассаса директорларини ўқитишга кўмак берди. Бунда уларга зўравонликнинг турли шаклларини ҳамда долзарб муаммоларни ечишда ўз ролини тушуниш кўникмалари ўргатилди.

Яна бир бор таъкидлашни истардимки, ЮНИСЕФ Ўзбекистон Ҳукумати ва барча ҳамкорлар, жумладан, оилалар, маҳаллий ҳамжамиятлар ва ёшлар билан биргаликда ҳаётнинг барча жабҳасида болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва бундай ҳолларда жавоб чораларини кўриш учун ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Омонулла ФАЙЗИЕВ**
**суҳбатлашди.**

# Металл прокати ишлаб чиқаришда рекорд натижа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, бу корхонада эришилган ягона ютуқ эмас. Ўтган давр ичида металл парчаларни йиғиш ва тайёрлаш, суюқ пўлатни эритиш ҳажмлари ҳам сезиларли даражада ошган.

Мамлакат металлургия саноатининг юраги ҳисобланган "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти бугунги фаолияти ана шундай ўзгаришларга, янгиликларга тўла. У Бекобод туманининг ривожи, аҳолисининг турмуш тарзи ва фаровонлигига бевосита дахлдор саноат корхонасидир. Кўплаб металлурглар сулоласи айнан шу жойда жам бўлган.

Корхона фаолиятидаги сўнгги йиллардаги оқсаш ва турғунлик ҳолатини кузатиш эса, албатта, ҳаётини металлургия соҳасига бағишлаган ишчилар учун ҳам осон кечмади. Ишлаб чиқариш тўхтаб қолмади, аммо ривожланиш ва тараққиёт ҳам кузатилмади. Масалан, буни 2014 — 2017 йилларнинг дастлабки беш ойи давомида комбинатда суюқ пўлат ишлаб чиқариш ҳажми 281 минг тоннадан ошмаганидан ҳам билиш мумкин. Шунингдек, металл прокати ишлаб чиқариш, худди шу даврларда 301 минг тоннадан 312 минг тоннагача ўзгариб турган, холос.

Президентимизнинг 2017 йил 15 сентябрдаги "Ўзметкомбинат" АЖ бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, комбинатнинг бошқаруви "SFI Management Group" компаниясига берилган эди. Мамлакатимизда илк бор қўлланилган бундай амалиёт бугун ўзини оқлади. Давлат-хусусий шерикчилигининг ёрқин мисоли сифатида ижобий натижаларини кўрсатяпти, яъни турли қинғир ишлар ва талон-торожликларга барҳам берилиб, ҳозирги кунда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида, яъни хом ашёни сотиб олишдан тортиб, тайёр маҳсулотни реализация қилишгача бўлган даврда шаффофлик таъминланаётир.

— 2018 йил комбинат ҳаёти учун юксалиш йили бўлди, — дейди "Ўзметкомбинат" АЖ металл прокати ишлаб чиқариш цехи раҳбари Раҳмат Иномов. — Бунга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 2-сонли цехни яққол мисол қилиш мумкин. Агар солиштирадиган бўлсак, ўтган йилнинг биринчи чорагида 247 минг тонна металл прокати тайёрланган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 337 минг тонна навли прокат ишлаб чиқарилди. Йил якуни бўйича олдимизга қўйилган режалар ҳам улкан. Бу йил жамоамиз зиммасига 1 млн. 150 минг тонна металл прокати ишлаб чиқариш вазифаси қўйилган. Бундан бир неча йил аввал эса бундай рақамларни тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Режани ортиғи билан уддалаш учун бор куч ва салоҳиятимиз, имкониятимизни ишга соламиз.

Комбинатнинг иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Асрор Тўрабоевнинг айтишича, корхона тўлиқ ишончли бошқарувга ўтганидан сўнг, *жорий йилнинг январь — май ойларида 2 трлн. 123,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 46,8 фоиз ўсиш, деганидир.*

Айтиш жоизки, "Ўзметкомбинат"да иш суръатлари нафақат тўлиқ қувватга олиб чиқилмоқда, балки янги лойиҳалар ҳам изчил татбиқ этилаётир. Шулардан бири — ферроқотишмаларни ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш лойиҳаси. Янги цехнинг фаолият бошлаши билан металл эритишдаги асосий компонентларни импорт қилишдан буткул воз кечилади. Бу мақсадлар учун ҳар йили сарфлаб келинган 25 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ комбинатнинг ўзида қолади.

— Лойиҳанинг умумий қиймати 60 млн. АҚШ долларини ташкил этади, — дейди "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехи лойиҳаси раҳбари Дилшод Дўсматов. — Шу пайтгача ўзимизнинг ер қазилма бойликларимиздаги мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилмаслиги оқибатида ферроқотишмаларни хориж давлатларидан импорт қилардик. Мазкур лойиҳанинг ишга туширилиши билан бу муаммоларга барҳам бериш баробарида, йилига 25 минг тонна ферроқотишма тайёрлаш имконияти юзага келди. Шундан 70 фоизини комбинат ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатилса, қолган 30 фоизини экспорт қилиш кўзда тутилган.

Соҳага янги ва самарали бошқарув услуби татбиқ қилингани нафақат кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқди, балки ходимлар маошини оширди, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирди, муҳими, маҳсулотлар сифатини ҳам яхшилади. Қиёсий қилиб айтганда, металл ишлаб чиқариш рецептига янги масаллиқ қўшилди. Бу пўлат сифатини оширувчи ҳамда унинг кимёвий таркибини яхшиловчи иссиқ брикетланган темирдир. Буни лаборатория текширувларида "Ўзметкомбинат" маҳсулотлари айнан шу турдаги хорижий маҳсулотлардан сифатлироқ эканлиги аниқланганидан ҳам яққол билиш мумкин.

Қисқаси, комбинатда сўнгги ойларда эришилган ютуқлару ўзгаришларни "Корхонанинг қайта туғилиш даври бўлди", дейиш мумкин. Келгусида корхона жамоаси бундай ижобий натижалар билан чекланиб қолмасдан, янги-янги марраларни, истиқболли лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш ниятида экани, айниқса, қувонарлидир.

**Бош прокуратура ҳузуридаги**
**Ахборот-таҳлил**
**мультимедиа маркази**
**материаллари асосида**
**Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.**

# Икки дунё саодатини ўйлаб яшаган инсон, халқ ҳеч қачон кам бўлмайди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу мақсадда бу ерда музей ташкил этилади, илмий фаолият йўлга қўйилади. Ватанимиздан етишиб чиққан олим ва мутафаккирлар меросининг тарихий ҳамда замонавий цивилизациядаги ўрни тадқиқ этилади. Илмий-маънавий жасорати, мангу ибратга молик инсоний фазилатлари тарғибот қилинади.

Марказ биноси юртимиздаги қадимий мадрасалар кўринишида, гумбазли қилиб қурилиши таҳсинга сазовор. Кутубхона, ахборот-ресурс маркази, илмий кафедралар, конференция зали, хизмат хоналари ва бошқа объектларни ўз ичига олиши — унинг нақадар катта салоҳиятга эга бўлишини тасдиқлаб турибди.

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Рамазон ҳайити табригида айтилганидек, оила, маҳалла ва жамият аҳлига меҳр-мурувват кўрсатиш, кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд кишиларга беғараз ёрдам бериш, яхшилик, сабру қаноат каби эзгу фазилатларни ўзида мужассам этган бу байрамнинг маъно-мазмуни бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатга ғоят уйғун ва ҳамоҳанг эканини, ўйлайманки, шу саодатли дамларда ҳар биримиз чуқур ҳис этмоқдамиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Имонни мустаҳкамлайдиган, руҳимизга қувват, интилишларимизга суръат бераётган халқ ризолигига асосланган ўзгаришлар миннатдорлик ҳиссини жўш урдиряпти. Шунинг ўзи аслида инсонга аталган тенгсиз эъзоз ва эҳтиромдир.

**Уйғун ҒАФУРОВ,**
**Тошкент ислом**
**институти ректори:**

— Ҳозирги кунда дунёда ислом дини моҳиятини теран англамаслик оқибатида унга нисбатан турли муносабатлар илгари сурилаётгани сир эмас. Унинг асл моҳиятини нотўғри талқин қилиб, ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётганлар ҳам, таассуфки, бор. Ўта мураккаб бир даврда диний қадриятларимиз софлигини сақлаш борасида Юртбошимиз бошчилигида амалга оширилаётган амалий ишлар беқиёс аҳамиятга эга. Ислом цивилизацияси маркази, шак-шубҳасиз, жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини янада кучайтиришга, ёшларнинг муқаддас динимизнинг абадиятга дахлдор қадриятларини қалбларига сингдиришларида муҳим ва зарур зиё масканига айланади.

Ўзбекистон — буюк алломалар юрти. Табаррук диёримизда камол топган улуғ муҳаддислар, фозилу фузалоларнинг номини бутун дунё билади. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қаффол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айни вақтда жаҳон тамаддуни тарихига битилган.

Шу маънода, аждодларимиз асарларини ўрганиш, тадқиқ этиш, моҳиятининг чинакам ифодаларини бутун оламга тақдим қилиш вақти келди. Маълумки, 2016 йилнинг октябрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда ўтказилган 43-сессиясида мамлакатимиз раҳбари Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ғоясини илгари сурганида ана шу улуғвор мақсад мужассам эди. Шеробод туманидаги Абу Исо Муҳаммад Термизий, Қарши туманидаги Абул-Муъийн Насафий зиёратгоҳлари ва бошқа қадамжоларда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етай деб қолди.

Ислом цивилизацияси марказининг "Жаҳолатга қарши — маърифат" шиори остида барпо этилаётгани, айниқса, жуда теран мазмунга эга. Унда кутубхона, архив ва қўлёзмалар фонди ташкил этилиши, уларни бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк мутафаккир ва уламолар томонидан асос солинган илмий ҳамда диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма, тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осориатиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий тадқиқот ишлари, видео-фото ҳужжатлар билан бойитиш, 300 ўринли конференция зали барпо этиш кўзда тутилгани марказ фаолиятининг истиқболини, кутилаётган самараларини ўзида яққол ифодалайди.

Мухтасар айтганда, маърифат нури ёғилиб турган замонда яшаяпмизки, ҳар қанча шукроналар айтсак, шунча оз. Зеро, муборак ҳадисларда айтилганидек, икки дунё саодатини ўйлаб яшаган инсон, халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Ф. ОМОНУЛЛАЕВ**
**ёзиб олди.**

# «ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ ТЎЛА НАМОЁН ЭТМОҚДА»

## Австралиянинг "East Asia Forum" таҳлилий журналида чоп этилган мақола шундай номланди.

*Унда қайд этилганидек, сўнгги йилларда республикада кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев илгари Ҳукумат раҳбари сифатида фаолият юритган бўлиб, у мамлакатдаги вазиятни чуқур билади ҳамда шу асосда сиёсат, иқтисодиёт ва дипломатия жабҳаларида кўплаб муҳим қарорлар қабул қилди.*

**ЭЪТИРОФ**

"Халқаро майдонда Шавкат Мирзиёев улкан обрў-эътиборга сазовор бўлди. Унинг раҳбарлигида олиб борилаётган ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистоннинг, аввало, қўшни давлатлар, шунингдек, бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари мутлақо янгича тус олди. Қозоғистон билан ҳаво ва автобус қатнови йўлга қўйилди, Тожикистонга узоқ кутилган давлат ташрифи давомида кўплаб баҳсли масалалар ҳал этилди, Қирғизистон билан давлат чегарасидаги қалтис масалалар тартибга солинди. Натижада минтақада ўзаро ҳамкорлик учун қулай муҳит яратилди", дейилади мақолада.

Таҳлилчиларнинг фикрича, ташқи сиёсат майдонида эришилган ютуқлар Ўзбекистонга ички сиёсий ҳамда иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш имконини бермоқда. Бу борада, жумладан, қамоқлардан сиёсий маҳбусларнинг озод қилиниши, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва фаоллиги ошгани, ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг ислоҳ қилиниши қайд этиб ўтилган. Мамлакатга кириш ҳамда чиқиш ва республика бўйлаб ҳаракатлар эркинлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган ҳужжатларнинг муҳимлиги эътироф этилган.

Иқтисодий соҳада рўёбга чиқарилаётган чора-тадбирларга тўхталар экан, "East Asia Forum" Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлида эканлигини билдирди. Коррупцияга қарши курашни кучайтиришга қаратилган ислоҳотлар, мақола муаллифларининг фикрича, республикага хорижий сармояларни жалб қилишга қулай шарт-шароит яратади. Давлат органларига ёш, замон талабларини тушунадиган ҳамда бозор иқтисодиётининг ишлаш механизмларини англайдиган мутахассислар тайинланаётганига юқори баҳо берилади.

Таҳлилчилар таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг халқаро молиявий бозор томон ҳаракати мамлакат хусусий бизнеси учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Зеро, бу орқали маҳаллий тадбиркорлар ўз фаолиятини кенгайтириш учун ички манбалар билан чекланмасдан, хориж сармоялари ва кредитларини жалб этиш имконига эга бўладилар.

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи»)**
**тайёрлади.**



Экология

# ТАБИАТ муҳофазаси — ҳаёт-мамот масаласи

Маълумотларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида чўлланиш даражаси юқори. Умуман, юртимизда 22 миллион гектар ер чўлланишга мойил ҳисобланса, мавжуд яйловларнинг 43 фоизи инқирозга учраб бўлган. Шу билан бирга, суғориладиган ерлар ҳам йилдан-йилга қисқармоқда. Орол денгизининг қуриган ҳудудидан туз ва бошқа минерал моддаларнинг шамол орқали тарқалиши эса вазиятни тобора мураккаблаштиряпти. Негаки, кейинги 50 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик сув ҳавзаларидан бири бутунлай йўқолиб бораётир.

*Ўтган асрнинг охирларига келиб, инсоният ғоят мураккаб экологик муаммолар қаршисида турганлигини англаб етди. Иқлим ўзгариши, озон қатламининг емирилиши, чўлланиш ва ерлар деградацияси, биохилма-хиллик камайиши, ичимлик суви етишмаслиги, ўрмонлар қисқариши каби масалалар ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.*

Жумладан, бугунги кунда чўлланиш дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларига дахл қиляпти. Ачинарлиси, бу кўп жиҳатдан инсон омилига боғлиқ бўлиб қолаётир. Яъни табиат мулкидан аёвсиз фойдаланилиши, тупроқ ва шамол эррозияси жараённи янада тезлаштираяпти. Шу боис мазкур долзарб масалага жаҳон ҳамжамияти эътиборини янада кенгроқ жалб этиш, экологик муаммога қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш мақсадида 1994 йилда БМТ томонидан Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш бўйича Конвенция қабул қилиниб, 17 июнь санаси "Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни" сифатида белгиланди.

Ўзбекистон — Евросиё материгининг марказий қисмида, денгиз ва океанлардан узоқда жойлашган. У Жануб ва Шарқ томондан баланд тоғлар билан ўралган бўлиб, ҳудудининг 80 фоизи чўл ва чала чўллардан иборат. Ёз вақтида кучли қуёш нури таъсирида қизиб кетган чўллар устида тропик тўзон ҳаво массаси шаклланади. Ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати 28-30 даражани ташкил қилса, энг юқори кўрсаткич 50 даражагача етади.

Таассуфки, бугунги кунда республикамизнинг фақат қурғоқчил ҳудудларида эмас, балки тоғли ҳудудларда ҳам чўлланиш ҳолати кузатилмоқда.

Ҳозирги кунда Орол ҳавзасига қуйиладиган сув оқими 12,7 километр кубга тенг бўлиб, бу ўтган асрнинг 60-йилларидагига нисбатан 4,5 баробар камдир. Денгизнинг чекинган қисмидаги 5,5 миллион гектардан зиёд майдонда пайдо бўлган янги Оролқум саҳросидан чанг ва зарарли тузлар кўтарилиб, қум бўронлари, кучли шамоллар орқали минглаб километр масофага тарқалиши аҳоли саломатлиги ҳамда атроф-муҳитга жиддий таҳдид солмоқда. Кузатишлардан маълум бўлишича, кўтарилаётган чангли булутлар ҳажми узунасига 400 километр, энига эса 40 километрга етади. Бу жойда бир йилда ҳаво ҳарорати 40 даражадан ошадиган кунлар икки баравар кўпайган.

Шу маънода, жорий йилнинг 7-8 июнь кунлари пойтахтимизда "Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар: янгича ёндашувлар, инновацион ечимлар ва инвестициялар" мавзуида халқаро конференция ташкил этилиб, унда кўплаб ташкилотлар, экологлар қатнашгани, мазкур глобал муаммонинг таъсирини камайтириш, оқибатини юмшатиш бўйича музокаралар ўтказилгани жуда муҳимдир. Нуфузли тадбирда қабул қилинган якуний ҳужжат, шунингдек, конференция материаллари тўплами Марказий Осиё республикалари ва хорижий давлатлар парламентлари ҳамда ҳукуматларига, халқаро ва жамоат ташкилотларига йўлланди.

Бундан ташқари, айни пайтда мамлакатимизда чўлланишга қарши курашнинг Миллий дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан, ерлар деградацияси ҳажмини қисқартириш ёки унинг олдини олиш, қисман деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш, чўлланишга дучор бўлган ерларни қайта тиклаш бўйича муайян ишлар амалга оширилиши белгилаб олинган. Бинобарин, чўлланишга қарши чора-тадбирлар республикамизнинг барқарор ривожланиши асосларидан бири ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, бугун табиат инсониятнинг бойлиги эмас, аксинча, инсон унинг бир бўлаги холос. Шу боис унга эҳтиёткор муносабатда бўлиш келажак учун қўйилган муҳим қадам эканини барчамиз яхши тушуниб етмоғимиз даркор.

**Собит ТУРСУНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоси.**

# КАСБИЙ МАҲОРАТ ВА БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айниқса, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини турли террорчилик хатарларидан, жиноий ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар тизимига кирувчи махсус ҳарбий тузилма — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ташкил этилгани юртимизда инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш борасида тарихий воқеа бўлди.

### Ватанпарвар ва жасур ёшлар маскани

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти — тизим органлари учун кадрлар тайёрловчи энг йирик олий таълим муассасаси ҳисобланади. Унинг фаолияти бугунги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, тубдан такомиллаштирилиб, таълим жараёнига илғор метод ва технологиялар жорий этилаётир, моддий-техника базаси кучайтириляпти.

Институтда кўплаб кафедралар, касбий тайёргарлик факультети, илмий тадқиқот, халқаро ҳамкорлик, чет тилларни ўргатиш инновацион марказлари ва бошқа бир қатор бўлимлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Институтда курсантлар бешта мутахассислик бўйича таълим олади.

### Унутилмас кун

Ўтган ҳафта якунида Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтида илк битирув маросими бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, тингловчилар, устоз-мураббийлар, ота-оналар иштирок этди.

Тантанали тадбир институтнинг саф майдонида кечди.

Институт бошлиғи М. Рустамбоев тадбирни очар экан, битирувчилар ушбу даргоҳда олган билим ва кўникмаларини юртимиз тинчлиги ҳамда осойишталигини сақлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш, жамиятда барқарорликни таъминлаш йўлида сафарбар этишларига ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Б. Тошматов ушбу даргоҳда ўқиб, мутахассислик дипломи ва офицерлик унвонини олган малакали ёш кадрларни самимий табриклади ҳамда уларга юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш каби ўта масъулиятли вазифаларни бажаришда муваффақият тилади.

Шундан сўнг битирувчиларга дипломлар тантанали равишда топширилди.

— Бугун ўғлим Сарварбекка мутахассислик дипломи ва лейтенантлик унвони топширилганини катта ҳаяжон билан кузатдим, қалбимда чексиз қувонч, ғурур ҳисларини туйдим, — дейди Фарғона вилоятидан келган Мамлакат Қодирова. — Ўғлим Президентимиз томонидан ёшларга яратиб берилган шароитлардан унумли фойдаланди, ўз устида ишлади. Натижада республикамиздаги етакчи олий ҳарбий таълим даргоҳида қулай ва замонавий шароитларда малакали устозлардан сабоқ олди. Нафақат менинг, балки барча оналарнинг кўнгли хотиржам ва бахтиёрлик туйғусига тўла. Чунки фарзандларимизга мукаммал билим, ҳарбийлик тарбияси берилди. Улар мустаҳкам интизом, юксак ахлоқ-одобли офицерлар бўлиб етишдилар. Ўғлим ҳам сафдошлари сингари ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлиб, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилади.

Саф майдонидаги ҳар бир ҳаракат қалбларни тўлқинлантиради. Айниқса, тадбир давомида битирувчиларнинг мадҳиямизни оркестр жўрлигида баралла жонли овозда айтгани, жанговар ва тактик чиқишлар йиғилганларга ўзгача ҳаяжон бағишлагани, шубҳасиз.

— Барча битирувчилар қатори бугун мен учун ҳам ҳаётимда унутилмас кун, — дейди битирувчи Сирожиддин Юсупов. — Сабаби, ота-онам, яқинларим ва кенг жамоатчилик қаршисида Ҳарбий-техник институтни тамомлаганим тўғрисида диплом ва кўкрак нишони тантанали равишда топширилди. Биз, битирувчилар ўтган давр мобайнида масканимизда ҳарбий, ҳуқуқий, ижтимоий ва махсус фанлардан чуқур билим ҳамда кўникмаларга эга бўлдик. Устоз-мураббийларимиз кўмаги билан офицерлик сифатларини шакллантирдик. Ҳаммамизнинг ниятимиз битта: халқимиз, Президентимиз ишончини оқлаш, Ўзбекистонимиз тинчлиги ҳамда барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш. Бу шарафли йўлда бор куч, билим ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

Маросимда қайси бир битирувчи билан суҳбатлашмайлик, ана шундай самимий дил изҳорларини баён этишди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



— Ўзим Ўзбекистон фуқаросиман, — дейди улардан бири Светлана Цой. — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси хизматларидан тез-тез фойдаланиб тураман. Корея Республикасига ҳам борганимга кўп вақт бўлмаган эди. Қаранг, қайтишда янги терминал хизматидан биринчилардан бўлиб фойдаланяпман. Ҳаммаси аъло даражада. Халқаро стандартларга мос. Юкни олиш, паспорт назорати сингари хизматлар ҳеч қанча вақт олмади. Бу, албатта, ҳар бир йўловчи учун жуда катта қулайлик яратади.

# МАМЛАКАТНИНГ ҚУТЛУҒ ОСТОНАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳар қандай бунёдкорлик замирида мамлакат тараққиёти, халқ манфаати, фаровонлик кафолати мужассам. Шу маънода, аэропортлар ҳам аҳолига қулай турмуш муҳитини яратишда ўз ўрнига эга. Бинобарин, улар мамлакатнинг ўзига хос "дарвоза"си ҳамдир. Чунки юртимизга ташриф буюрган ҳар бир хорижлик меҳмонда илк таассурот ана шу ерда пайдо бўлади. Шундай экан, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини замонавийлаштириш давр талабидир.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси томонидан ушбу масалага катта эътибор қаратилаётгани сайёҳлар оқими кўпайишида, ҳаво лайнерларимиздан фойдаланувчилар сафи кенгайишида айни муддао бўлаётир.

— Янги муҳандислик-технологик ускуналар билан жиҳозланган ушбу терминалда "қизил" ва "яшил" йўлаклар, 4 та юк лентаси, 24 та паспорт назорати пункти, виза таъминоти пункти, иккита валюта айирбошлаш шохобчаси, магазин, кафе-бар ва бошқа шохобчалар мавжуд, — дейди Ислом Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропорти ходими Баҳодир Нурматов. — Паспорт назоратидан ўтиш вақти аввал 20 — 30 дақиқани ташкил қилган бўлса, эндиликда бу жараён бор-йўғи 10 дақиқани талаб этади, холос.

Эслатиб ўтамиз, маҳаллий авиайўналишлар терминалининг эски биноси 1997 йилда қурилган бўлиб, соатига 300 нафар йўловчига хизмат кўрсатарди. 2012 йилда "Тошкент-3" янги терминали ишга туширилгач, ушбу бино эксплуатацияси тўхтатилган эди.

Янги учиб келиш терминали Жанубий Кореянинг Сеул шаҳридан ҳавога кўтарилган лайнер йўловчиларини қабул қилди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Бугунги кунда Ислом Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропортида 4 та йўловчи терминали, 2 та учиш-қўниш йўлаги, турли русумдаги самолётлар учун 101 тураргоҳ ишлаб турибди. Пойтахт аэропортидан 45 дан ортиқ халқаро йўналишларда қатновлар амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизга келаётган сайёҳларга, умуман, Миллий авиакомпаниямиз хизматидан фойдаланувчи йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиши, шубҳасиз.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ҒЎЗАДА КАФОЛАТЛИ ҲОСИЛ ЯРАТИШ ЗАРБДОР ОЙЛИГИ**

*Тажрибали деҳқонлар айтганидек, даланинг томи йўқ. Ушбу ибoрадан ҳам аёнки, зироатчилик ўта заҳматли, серташвиш касбдир. Деҳқоннинг кўзи ерга уруғ қадагандан бошлаб, то етиштирилган ҳосилни саранжомлаб олгунига қадар осмонда бўлади.*



# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ — БАРАКА МЕЗОНИ

Бу йил қишнинг илиқ келиб, ерда намнинг етарли даражада бўлмагани, баҳор об-ҳавосининг беқарорлиги дала ишларини бир маромда олиб бориш имконини бермади. Оқибатда ғўза ривожланиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан орқада қолмоқда. Бу эса барча агротехника тадбирларини жадаллаштиришни тақозо қилади.

Президентимиз ташаббуси билан ғўза парваришида энг тиғиз пайт саналган июнь ойининг "Ғўзада кафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги" деб эълон қилинганини биз, фермерлар ўз вақтида белгиланган муҳим чора, даъват деб қабул қилдик. Қолаверса, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг мамлакатимиз фермерларига йўллаган Мурожаатида ушбу масъулиятли даврда агротехника тадбирларини сифатли ўтказиш бўйича зарур йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари ғўза парваришининг бориши билан боғлиқ масалага алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Чунки ғўза кун санайдиган экин. Вақт эса кутиб турмайди. Кузгача бедор бўлган, даласидан оёғини узмаган, эгат оралаганда тўпиғигача тупроққа ботган деҳқонгина мўлжалдаги ҳосилни яратади.

Қирқ йилдан буён даладаман. Кузатишларимга таяниб айтсам, бизнинг ҳудудда май ойининг учинчи ўн кунлигида ғўза гул кўрсатади. Шу ҳисобда июнь ойининг биринчи ярмига қадар ғўзанинг оммавий гуллашига эришилган тақдирда эртаги ҳосил яратилади. Фермер хўжалигимиз жамоаси шу мақсадда 36 гектар майдондаги ғўза парваришига эътиборни янада кучайтиришди. Яъни яганани аввалги йилдагига нисбатан барвақт якунлаб, қатор ораларига ишлов беришда давомийликни ушлаяпмиз. Жумладан, ҳозирги кунда бешинчи марта ишлов бериляпти.

Экинни яшнатишда культивациянинг ўрни алоҳида. Шундан келиб чиқиб, биринчи озиқлантиришнинг эртароқ ўтказилганлиги ҳисобига такрор-такрор ишлов берилмоқда. Бу эса тупроқни қиздиришда, ҳаво алмашинувини бир маромда ушлашда қўл келяпти.

Яна бир ютуғимиз шуки, фермер хўжалигимизда ҳар эгатнинг эгаси бор. Мавжуд экин майдони 36 нафар пудратчига "қозиқ усули"да тақсимланган. Кези келганда, ҳар бир аъзога ака-укаси, опа-синглиси ҳам кўмакдош бўлиши боис, икки бор кетмон чопиғи ўтказилиб, бегона ўтларнинг пайи қирқилди. Айни кунга қадар ғўза икки марта озиқлантирилди.

*Ғўза — иссиқсевар экин. У ҳар қанча ҳароратни кўтара оладиган мўъжизавий ўсимлик. Ёғин миқдорининг меъёридан ортиши эса шира, трипс каби экин ривожига тўғаноқ бўладиган зараркунандаларнинг табиий кўпайишига сабаб бўлади. Унинг олдини олишда ғўза барги орқали озиқлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги кунга қадар ушбу агротехника тадбирини икки бор ўтказдик. Ҳадемай, кўрсаткични тўрттага етказамиз.*

Зараркунандаларга қирон келтиришда "ҳашарот соати" тажрибасини ишга солдик. Яъни ҳар бир ҳудудга бириктирилган ишчи эрта тонгда дала айланиб, ғўза барглари ҳолатини назоратдан ўтказади. Керак бўлса, шу заҳоти махсус мосламада ишчи эритмасини сепади.

Вилоятимизда пахта етиштириш усталари кўп. Уларнинг тажрибасидан баҳраманд бўлаётган фермерлар билишадики, ой давомида ғўза қаддини тиклаб олсак, ҳосил шохларини кўпайтирсак, чеканка ўтказишга тайёрласак, ғалвир сувдан кўтарилган пайтда уялиб қолмаймиз. Деҳқонча фалсафа шуки, ҳар бир эгатга фермернинг оёғи етсин. Ана шунда ғўзанинг дардини билиб, унга қараб малҳам беради.

Бу йилгидек сув тақчил бўлган мавсумни бир неча бор кўрган деҳқон сифатида, айтишим мумкинки, мутахассислар тавсияларига амал қилиб, ой давомида ҳар бир агротехника тадбири сифатли бажарилса, ресурслардан оқилона фойдаланилса, албатта, баракали хирмон кўтарилади.

**Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**Олтинкўл туманидаги**
**«Олтинкўл водий гулшани»**
**фермер хўжалиги раҳбари.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ЎТКАЗИЛМОҚДА

*Мазкур нуфузли билимлар беллашувини ташкил этиш ғояси Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан шу йилнинг март ойида жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Самарқанд вилоятига ташрифи давомида аҳоли фаоллари билан учрашувда илгари сурилган эди.*

**КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА**

Ўтган қисқа вақт ичида халқаро олимпиадани юксак савияда уюштириш ҳамда ўтказиш бўйича катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Зарур аудиториялар, чет эллик иштирокчилар учун меҳмонхоналар ҳозирланди.

— Улуғ бобокалонимиз номи билан юритилаётган халқаро олимпиада 19 — 23 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида умумтаълим мактабларининг 10-синф ўқувчилари ўртасида физика ва астрономия фанларидан ўтказилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Намоз Рўзиқулов. — Ушбу нуфузли тадбир иқтидорли ёшларимизни саралаш, рағбатлантириш билан бирга, уларнинг хорижий давлатлардаги тенгдошлари билан дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашига, буюк аждодларимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасини халқаро миқёсда тарғиб этишга хизмат қилади.

Олимпиадада дунёнинг қатор давлатларидан иқтидорли ўқувчилар қатнашмоқда. Ҳар бир давлатдан 6 нафар ўқувчи (3 нафари физика, 3 нафари астрономия фанидан) ҳамда икки нафар жамоа раҳбаридан иборат гуруҳлар иштирок этяпти.

Беллашувлар икки — назарий ва экспериментал босқичда ўтказилади. Зарур материаллар ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида тайёрланди. Ҳакамлар ҳайъати физика ва астрономия фанларидан дунёнинг таниқли экспертлари, МДҲ давлатларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда юртимизнинг тажрибали олимлари, маҳоратли амалиётчи ўқитувчилардан иборат.

Тадбир қатнашчиларига мамлакатимизнинг туризм салоҳияти намойиш қилиниб, Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади. Ушбу халқаро олимпиадада ғолибликни қўлга киритган ўзбекистонлик ўқувчилар олий таълим муассасаларида имтиёзли асосда ўқиш ҳуқуқини қўлга киритади. Мазкур билимлар баҳси кейинчалик умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида мунтазам равишда икки йилда бир маротаба ташкил қилиниши режалаштирилган.

Самарқандда ўтказилаётган халқаро олимпиада мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи тобора ортиб бораётганини яна бир карра яққол намойиш этиши, шубҳасиз.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОН

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги «2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорига биноан, 2018/2019 ўқув йили учун қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга таклиф этади.

**БАКАЛАВРИАТ**

| Т/р | Шифр | Таълим йўналишлари номи |
|---|---|---|
| 1. | 5111017 | Касб таълими: иқтисодиёт |
| 2. | 5230100 | Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 3. | 5230200 | Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 4. | 5230400 | Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 5. | 5230700 | Банк иши |
| 6. | 5230800 | Солиқлар ва солиққа тортиш |
| 7. | 5230900 | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) |
| 8. | 5231100 | Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (минтақалар ва фаолият турлари бўйича) |
| 9. | 5231200 | Суғурта иши |
| 10. | 5231400 | Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 11. | 5231600 | Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси |
| 12. | 5231700 | Кадрлар менежменти |
| 13. | 5231900 | Корпоратив бошқарув |
| 14. | 5330200 | Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 15. | 5610200 | Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш |
| 16. | 5610300 | Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) |
| 17. | | Минтақа иқтисодиёти |
| 18. | | Бизнес-информатика |
| 19. | | Иқтисодий хавфсизлик |
| 20. | | Логистика |

**МАГИСТРАТУРА**

| Т/р | Шифр | Мутахассисликлар номи |
|---|---|---|
| 1. | 5А111001 | Касб таълими назарияси ва методикаси (иқтисодиёт) |
| 2. | 5А230101 | Иқтисодий назария |
| 3. | 5А230102 | Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 4. | 5А230103 | Макроиқтисодиёт |
| 5. | 5А230106 | Эконометрика |
| 6. | 5А230107 | Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари |
| 7. | 5А230108 | Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш |
| 8. | 5А230110 | Демография. Меҳнат иқтисодиёти |
| 9. | 5А230201 | Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 10. | 5А230401 | Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 11. | 5А230403 | Логистика |
| 12. | 5А230501 | Божхона иши (фаолият турлари бўйича) |
| 13. | 5А230603 | Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 14. | 5А230601 | Давлат молиясини бошқариш |
| 15. | 5А230701 | Банк иши (фаолият турлари бўйича) |
| 16. | 5А230801 | Солиқлар ва солиққа тортиш |
| 17. | 5А230901 | Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 18. | 5А230902 | Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 19. | 5А231101 | Жаҳон иқтисодиёти (минтақалар ва фаолият турлари бўйича) |
| 20. | 5А231102 | Ташқи иқтисодий фаолият (тармоқлар ва фаолият турлари бўйича) |
| 21. | 5А231401 | Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 22. | 5А231701 | Кадрлар менежменти |
| 23. | 5А610301 | Туризм (фаолият турлари бўйича) |
| 24. | | Корпоратив бошқарув |
| 25. | | Суғурта аудити |

**Ҳужжатлар жорий йилнинг 15 июнидан 15 июлигача қабул қилинади. Университет манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 183-уй. Телефон: (0-371) 245-42-43.**

526А/267

# Жиноий қилмишлар фош этилди

*Хоразм вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан олиб борилган профилактик тадбирлар давомида гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланган бир қатор шахсларнинг қилмишлари фош этилди.*

**ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ**

Вилоят ҳудудига кираверишда жойлашган "Чолиш" йўл патруль хизмати блок постида Тошкент шаҳридан келаётган "Лада Ларгус" русумли енгил автомобиль тўхтатиб текширилганда, йўловчилардан бири — Қўшкўпир туманидаги Хадра қишлоғида яшовчи Ж. Б.нинг сумкасидан "марихуана" гиёҳвандлик моддасига ўхшаш қуритилган ўсимлик бўлаклари топилган. Экспертиза хулосаси бу модда соф оғирлиги 39,78 граммга тенг "марихуана" гиёҳвандлик воситаси эканини тасдиқлади.

Урганч шаҳрида яшовчи, 1987 йилда туғилган фуқаро Б. Ў. назорат тартибида тадбирга жалб қилинган фуқаро С. Т.га бир дона гугурт қутисида исириқ ўсимлиги бўлакларини гиёҳвандлик моддаси, деб фирибгарлик йўли билан 700 минг сўмга сотаётганда қўлга олинди. Экспертиза таҳлиллари оғирлиги 2,73 грамм бўлган бу сарғимтир рангли, ҳидсиз ўсимлик бўлаклари гиёҳвандлик моддалари туркумига кирмаслигини кўрсатди.

Шу ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Одилбек ОДАМБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# УЗОҚ КУТИЛГАН ЧЕМПИОНАТ
## кутилмаган натижалар билан бошланди

***Россия терма жамоасининг Саудия Арабистони устидан йирик ҳисобдаги ишончли ғалабаси билан бошланган футбол бўйича Жаҳон чемпионатининг гуруҳ ўйинлари давом этмоқда. Бири-биридан қизиқарли, курашларга бой 1-турда илк шов-шувли натижалар ҳам қайд этилди.***



Ушбу турнинг кутилган тўқнашувларидан бири дастлаб 15 июнь куни Сочи шаҳрида Европанинг гранд жамоалари — Португалия ва Испания ўртасида бўлиб ўтди. Ҳар бир чизиқдан футбол юлдузи жой олган жамоалар мухлислар учун ажойиб матч туҳфа этишди ва ўйин 3:3 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якун топди. Учрашувнинг энг фаол футболчиси бўлган Криштиану Роналду мундиалдаги илк хет-трикни қайд этди.

Жаҳон чемпионатидаги биринчи кутилмаган натижа Аргентина — Исландия учрашувида рўй берди. Чемпионат фаворитларидан саналган Аргентина терма жамоаси бундан икки йил аввал ҳам Европа чемпионатида барчани ҳайратга солган исландлар тўсиғидан ўта олмади. Ўйиндаги энг муҳим ҳолат Лионель Месси ижросидаги 11 метрлик жарима зарбаси Исландия жамоаси посбони томонидан қайтарилгани бўлди. “Иккинчи касбим телеоператор. Ушбу ўйинга тайёргарлик давомида Месси ижросидаги юзлаб пенальтиларнинг видеотакрорларини томоша қилгандим”, деди у “Российская газета”га берган интервьюсида.

Лотин Америкасидан ташриф буюрган яна бир номдор жамоа — Бразилия термаси ҳам дастлабки турда ўзига билдирилган ишончни оқламади. 17 июнь куни “Ростов-арена”да Швейцария терма жамоасига қарши майдонга тушган беш карра жаҳон чемпионлари якунда 1:1 ҳисобидаги дуранг билан чекланишди.

Биринчи турнинг энг шов-шувли воқеаси амалдаги жаҳон чемпиони — Германия терма жамоаси билан Мексика вакиллари ўртасидаги учрашувда рўй берди. Ушбу ўйин якшанба куни “Лужники” стадионида бўлиб ўтди ва Мексика терма жамоасининг 1:0 ҳисобидаги ғалабаси билан тугади. Учрашувдаги ягона голни 35-дақиқада мексикалик ярим ҳимоячи Ирвинг Лосано дарвозага йўллади.

“Натижа адолатли бўлди, мексикаликлар ғалабага ҳақли ўйин кўрсатдилар, — деди ўйин ҳақида мулоҳазаларини билдирган машҳур мураббий Жозе Моуриньо. — Бироқ фикримча, немислар плей-офф босқичига йўл оладилар. Чунки уларнинг гуруҳдаги рақиблари унчалик кучли эмас”.

Кеча ҳам қизиқарли тўқнашувларга бой футбол кечаси бўлиб ўтди. Саралашнинг сўнгги босқичида Ўзбекистон жамоаси билан курашган Жанубий Корея Швецияга қарши майдонга тушди ва учрашувда 0:1 ҳисоби қайд этилди. Фаворитлардан яна бири Бельгия Панама футболчилари дарвозасига жавобсиз учта тўп киритиб, ғалаба қозонди. Кескин курашлар билан ўтган яна бир ўйин — Тунис ҳамда Англия терма жамоалари ўртасидаги баҳсда 1:2 натижаси қайд этилди.

**Б. ҒОФУРОВ тайёрлади.**



---

**ЭҲТИРОМ**

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 2 апрелдаги “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори халқимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Шу боис таҳририятимизга турли соҳа вакилларидан мазкур хайрли тадбир ҳақидаги илиқ фикр ва дил сўзлари битилган мактублар келмоқда. Қуйида улардан айримлари билан танишасиз.*

# Халқимизнинг чин дўсти

**Абдулла ТЕМИРБЕКОВ, меҳнат фахрийси:**

— Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирларида собиқ Марказ матбуоти зўр бериб “Ўзбеклар иши”, “Пахта иши” ҳақида кўпиртириб ёзар, бу эса бутун халқимиз руҳиятига жиддий таъсир кўрсатаётган эди. Шундай пайтда Чингиз Айтматов ўзбек халқи қайғусига шерик, дардига елкадош бўлиб, юртимиз ва унинг меҳнаткаш одамлари ҳақида бор ҳақиқатни баралла айтишга журъат этди. “Ўзбеклар иши” аслида бўҳтон эканлиги ҳақида “Правда” газетасида катта мақола ёзди. Йиллар, асрлар ўтар, ўзбек халқи Чингиз Айтматовнинг бу жўмардлигини асло унутмайди.

Мен ўша пайтда Тошкент давлат техника университетининг Олий математика кафедрасида ишлардим. Чингиз аканинг бу мақоласини кафедра мажлисида эшитдим. Кафедра мудиримиз мажлисни ана шу мақоладан бошлади. Қарангки, қирғиз фарзанди ўзбек халқининг номусини ўйлаб, букилган қаддини кўтариш ниятида мазкур мақолани чоп этишга журъат топибди. Чингиз Айтматовнинг бу ишини “ҳақиқий дўстлик, том маънодаги улуғ инсоннинг ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган қаҳрамонлиги”, дейиш мумкин.

**Абдуғани СУЛАЙМОНОВ, фахрий ижодкор:**

— “Асрга татигулик кун”, “Қиёмат”, “Кассандра тамғаси” сингари муҳташам романлари, “Оқ кема”, “Жамила”, “Биринчи муаллим”, “Алвидо, Гулсари” каби бадиий баркамол қиссалари билан жаҳон адабиётининг йирик намояндаси даражасига кўтарилган Чингиз оғанинг “Қадим-қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўҳна Византиянинг қадим русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин!” деган эътирофи ҳар бир ўзбек зиёлиси қалбида чуқур эҳтиром туйғусини уйғотади.

Чингиз Айтматов икки биродар халқ ўртасидаги дўстликни бениҳоя қадрлар ва юксак ҳурмат билан муносабатда бўлар эди. Буюк адибнинг “Ўзбеклар ва қирғизлар — менинг учун бир халқ”, деган сўзлари ҳам бунинг тасдиғидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қирғизистонга ташрифи чоғида қирғиз жамоатчилиги олдида буюк адибнинг тарихий хизматларини эътироф этиб, шундай деган эди: “Чингиз Айтматов нафақат қирғизларнинг, балки бутун туркий халқларнинг буюк сиймоси, ғурури ва ифтихоридир”.

---

# Эркин фикр эътирофи

*Жиззах олимпия захиралари коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.*

**ТАНЛОВ**

— Танловда амалдаги қонунчилигимиз доирасида турли мавзулар қамраб олинди, — дейди Жиззах вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Бобур Ўсаров. — Ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятига алоҳида эътибор қаратилган мазкур тадбирда ҳуқуқий билимлар даражаси савол-жавоблар орқали аниқланди.

Якунда ғолибликни қўлга киритган жамоаларга фахрий ёрлиқлар, дипломлар ҳамда ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

ЭЪЛОН

# ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги «2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорига асосан, 2018/2019 ўқув йили учун қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга таклиф этади.

**Бакалавриат**

| Т/р | Шифр | Таълим йўналишлари | Жами | Шу жумладан: Давлат гранти | Шу жумладан: Тўлов-контракт |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 480 | 130 | 350 |
| 1. | 5111012 | Касб таълими: енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси | 25 | 10 | 15 |
| 2. | 5150900 | Дизайн (турлари бўйича) | 20 | 5 | 15 |
| 3. | рақамсиз | Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 20 | 5 | 15 |
| 4. | 5310900 | Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) | 20 | 5 | 15 |
| 5. | 5311000 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича) | 30 | 10 | 20 |
| 6. | 5320300 | Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича) | 50 | 15 | 35 |
| 7. | 5320400 | Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича) | 40 | 10 | 30 |
| 8. | 5320800 | Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси | 20 | 5 | 15 |
| 9. | 5320900 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича) | | | |
| 9.1. | 5320901 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (йигирилган ип ишлаб чиқариш) | 15 | 5 | 10 |
| 9.2. | 5320902 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш) | 20 | 5 | 15 |
| 9.3. | 5320903 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж) | 20 | 5 | 15 |
| 9.4. | 5320904 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тўқима) | 15 | 5 | 10 |
| 9.5. | 5320905 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари) | 20 | 5 | 15 |
| 9.6. | 5320906 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тери (қоракўл) ва мўйнага ишлов бериш) | 15 | 5 | 10 |
| 9.7. | 5320907 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (чарм ва мўйна буюмлари) | 15 | 5 | 10 |
| 10. | 5321200 | Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (хом ашё турлари бўйича) | 40 | 10 | 30 |
| 11 | 5321500 | Технология ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича) | | | |
| 11.1. | 5321500 | Технология ва жиҳозлар (чарм ва мўйна, қоракўл) | 15 | 3 | 12 |
| 11.2. | 5321500 | Технология ва жиҳозлар (пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари) | 10 | 2 | 8 |
| 12. | 5610600 | Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича) | 25 | 5 | 20 |
| 13. | 5640100 | Ҳаётий фаолият хавфсизлиги | 20 | 5 | 15 |
| 14. | рақамсиз | Пахтани ишлаб чиқаришга тайёрлаш технологияси | 25 | 5 | 20 |

**Магистратура**

| Т/р | Шифр | Мутахассисликлар | Жами | Шу жумладан: Давлат гранти | Шу жумладан: Тўлов-контракт |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 126 | 42 | 84 |
| 1. | 5A150901 | Дизайн (турлари бўйича) | 4 | 2 | 2 |
| 2. | 5A311001 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича) | 8 | 2 | 6 |
| 3. | 5A320302 | Машинашунослик | 8 | 4 | 4 |
| 4. | 5A320310 | Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари | 8 | 2 | 6 |
| 5. | 5A320315 | Пахта саноати машиналари ва жиҳозлари | 10 | 2 | 8 |
| 6. | 5A320402 | Органик моддалар кимёвий технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича) | 8 | 3 | 5 |
| 7. | 5A320405 | Юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси (турлари бўйича) | 8 | 3 | 5 |
| 8. | 5A320802 | Матбаа технологияси ва дизайни | 6 | 2 | 4 |
| 9. | 5A320901 | Тўқимачилик хом ашёларини қайта ишлаш технологияси (хом ашё тури бўйича) | 10 | 4 | 6 |
| 10. | 5A320902 | Тикув буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш | 10 | 3 | 7 |
| 11. | 5A320903 | Чарм ва мўйна буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш | 10 | 3 | 7 |
| 12. | 5A320904 | Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (маҳсулот турлари бўйича) | 10 | 3 | 7 |
| 13. | 5A320905 | Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари материалшунослиги, экспертизаси ва сифат назорати (қўлланиш соҳалари бўйича) | 4 | 2 | 2 |
| 14. | 5A320906 | Тўқимачилик саноати буюмларини бадиий лойиҳалаш (диссинаторлар) | 4 | 2 | 2 |
| 15. | 5A321201 | Пахтани дастлабки ишлаш ва уруғ тайёрлаш технологияси | 10 | 3 | 7 |
| 16. | 5A321501 | Технологик машина ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш (тармоқлар бўйича) | 4 | 1 | 3 |
| 17. | рақамсиз | Матбаа ишлаб чиқариш ускуналари ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш | 4 | 1 | 3 |

Абитуриентлар олий таълим муассасаси қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

**Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича:**
- таълим йўналиши, ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолда ариза;
- умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 086-У-шаклдаги тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси;
- 3,5 x 4,5 см. ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;

Абитуриент томонидан паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.
Ҳужжатлар 2018 йил 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

**Магистратура мутахассисликлари бўйича:**
- магистратура мутахассислиги ва таълим тили кўрсатилган ҳолда ректор номига ариза;
- олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ёки дипломдан кўчирма Ўзбекистон Республикаси ОТМни давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унга илова;
- 3,5 x 4,5 см. ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;
- 086-У-шаклдаги тиббий маълумотнома.

Абитуриент томонидан паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

**Ҳужжатлар 2018 йил 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй. Телефон: (0-371) 253-06-06. E-mail: titlp_info@edu.uz**

5254/287

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6